№51 (25023)

Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy, ★★★ ma'naviy-ma'rifiy gazeta

# Farg'ona haqiqati

2025-yil 19-dekabr, juma

## ҚЎҚОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТЕЛЕВИЗОРЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА





**Қўқон мамлакатнинг ҳар соҳадаги етакчи шаҳарларидан бирига айланди. Энди одамларни ҳайратга солиш қийин бўлиб қолди. Масалан, Қўқонда экрани 32 дан 55 дюмгача бўлган юқори сифатли ақлли телевизорлар ишлаб чиқариляпти, десак, ”Нима экан бу, IT паркидаги ёшлар тузган дастурлар Америкага экспорт қилиняптику”, дейишади.**



(Давоми 2-бетда).

## ҲИНДИ ХИТОЙ ДАВЛАТЛАРИ ОША ИЖОДИЙ САФАР



**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими ташаббуси билан вилоят оммавий ахборот воситалари ходимларининг бир гуруҳи Хитой, Камбоджа ва Вьетнам давлатларида ижодий сафарда бўлишди.**

**Пресс-тур доирасидаги ижодий сафар Хитойнинг қадимий шаҳри – Сиандан бошланди.**



(Давоми 4-бетда).

– АҚШда вафот этган Авазхон Мухторов ким эди?
– Вилоят ҳокимлигига номзод қандай танланган?
– Ислом Каримов фикрини ким ўзгартирди?
– Олий суд раиси Мингбоевнинг оқлов қарори.
– 20 йиллик қочоқдан қайтган Муқимжон Жўраев ҳозир қаерда?

**Шу ва яна бошқа саволларга газетада чоп этилаётган қуйидаги таҳлилий эссе – журналист хотираларидан жавоб топасиз.**



**Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

## ҚИСМАТНИ ТАҚДИР ЭМАС, ҚИЛМИШ БЕЛГИЛАЙДИ (МИ?)

(Бошланиши газетанинг ўтган сонида).

**Россия мулозими менимча бундай саволни кутмаган. Чунки музокаралар чоғи ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, рубль (Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин ҳам уч йил давомида ўз пул бирлигини чиқармай, Россия волютаси – рубль доирасида қолган эди)ни мустаҳкамлаш чоралари ҳақидаги масалалар муҳокама қилинган ва бир фикрга келинган эди. Аммо у ҳақиқатдан юз ўгирмади.**

(Давоми 3-бетда).

Хушхабар

O'ZBEKISTON MILLIY MEDIA BIRLASHMASI

## Устозимиз – “ЖУРНАЛИСТИКА АФСОНАСИ”

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МЕДИА БИРЛАШМАСИ АНЪАНАВИЙ “РЕНЕССАНС МИЛЛИЙ МУКОФОТИ - 2025” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ АНИҚЛАДИ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ, УСТОЗИМИЗ МУҲАММАДЖОН ОБИДОВ “ЖУРНАЛИСТИКА АФСОНАСИ” МАХСУС НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА ТАҚДИРЛАНДИ.**

Мазкур номинация соҳада узоқ йиллар давомида юқори натижаларга эришиб, ўзининг ижодий фаолияти билан катта натижаларга эришган, энг етук ва тажрибали журналистларни тақдирлаш учун бериладиган махсус мукофотдир.

Юксак эътироф муборак бўлсин!

## ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

**Миллий давлатчилик тимсоллари бўлган байроқ, герб ва мадҳия юртимизнинг муқаддас қиёфасини, тарихи ва ёрқин келажакка бўлган интилишларини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси бу рамзлар орасида алоҳида аҳамият касб этади. У халқнинг азалий орзуси – озод ва обод Ватан барпо этиш ғоясини ўз сўз ва садоларида мужассам этган муқаддас қўшиқдир.**



**Наргиза ТОИРОВА,
Фарғона давлат университети инглиз тили ва адабиёти факультети декани, доцент.**

Жорий йилда миллий мадҳиямиз қабул қилинганлигининг 33 йиллигини нишонлаяпмиз. Бу сана мамлакатимиз тарихида, айниқса, мустақилликнинг илк рамзларидан бири сифатида улкан аҳамиятга эга. Бу тантанавор қўшиқ мустақиллигимизнинг дастлабки, миллий ғоя ва истиқлол руҳини мустаҳкамлаш талаби кучайган даврида яратилган. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мутал Бурҳонов ҳамкорлигида ёзилди.

Ҳар тонг жаранг сочувчи дилтортар тарона, эшитган ҳар вужудни ҳаяжонга солувчи қўшиқ ғоя ва мазмун жиҳатидан жуда тўкис. Унда Ватанга муҳаббат ва садоқат, эркинлик ва мустақилликни қадрлаш, халқ бирдамлиги ва тинчлик ғояси, янгиланиш ва тараққиётга ишонч яшайди. Қўшиқни куйлаш асносида қудратли мамлакатимизнинг бепоён кенгликлари, гўзал табиати, пурвиқор тоғлари-ю, жаннатмонанд боғлари, кўҳна дарёлари-ю, ойдин кўллари, кўкка бўй чўзган шаҳарлари-ю, чирой очган қишлоқлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Шунингдек, буюк аждодларимизнинг барҳаёт сиймолари ва уларга муносиб авлодларнинг азму шижоатга тўла нигоҳлари, бағрикенг, меҳмондўст халқимизнинг юксак бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳияти тараннум этилади. Сарҳадларда сергак турган тинчлик посбонлари-ю, бахтли ҳаётдан масрур ўғил-қизларнинг шодон кулгилари, мустақил Ватанимизнинг шону шуҳрати буларнинг барчаси Ўзбекистон мадҳиясида ўз ифодасини топган.

Давлат мадҳияси нафақат расмий маросимларда, балки тарбия ва таълим жараёнларида ҳам ёш авлодда миллий ғурурни шакллантириш, жамиятда бирлик ва ифтихор руҳини мустаҳкамлаш, миллий анъаналарни сақлаш ва авлоддан-авлодга етказишдай муҳим вазифаларни бажаради.

Серқуёш, ҳур ўлкам... дея бошланувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси миллий ғурур, истиқлол, бирдамлик ва Ватанга садоқат тимсолидир. Унинг янграши ҳар бир юрт фарзандига куч ва ғайрат бағишлаб келажакка ишонч уйғотар экан, бу халқимиз руҳий қудратини мустаҳкамлаб, умумий миллий мақсадлар атрофида бирлаштириб бораверади.

# ҚЎҚОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТЕЛЕВИЗОРЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

**(Бошланиши 1-бетда).**

Ҳа, шундай замонларга келдик. Осиё тарихида давлатчилиги, алломалари билан машҳур бўлган Қўқон бугун яна юксалишда.

"My seven technology" масъулияти чекланган жамияти 2024 йилда ташкил топди. Ҳозир бу ерда турли кўринишдаги андроид тизимига асосланган смарт телевизорлар ишлаб чиқарилмоқда. Қисқа муддат ўтган бўлса-да, корхона шаҳар саноатида ўз ўрнини топди.

– Бир йилда 90 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик, шу билан бирга, 12,5 миллиард сўмлик қўшимча қиймат яратишга эришдик, – дейди масъулияти чекланган жамият иш бошқарувчиси Жўрабек Ботиров. – Республика бўйича 14 шаҳарда сервис марказимиз очилган. Биз маҳсулот сифатига уч йиллик кафолат берамиз. Харидорларимиз мамнун.

Корхона иш бошлабдики, биринчи кунданоқ телевизор қисмларини маҳаллийлаштиришга эътибор қаратди. Ҳозир у 55 фоизга етган. Телевизорларнинг пластмасса қисмлари термопласт линиясида, шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, кооперация усули ҳам йўлга қўйилган. Айрим бошқа қисм ва идиш-қутилар қўшни ишлаб чиқарувчидан олинади.

Йиғув конвейери ишчилари малакали мутахассисга айланди.

– Мен бу ерда корхона очилганидан буён ишлайман. Телевизорларнинг платасини йиғиш билан шуғулланаман, – дейди Муборакхон Мирзакаримова. – Бу жиҳознинг энг нозик жойи. Уни бажаргач, кейинги босқичга ўтказаман.

Муборакхон ҳамкасб қиз-аёллар каби корхона атрофидаги маҳаллаларда яшайди. Мана энди улар ҳам жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ўрниларини топишди.

– 8 соатли тартибда ишлаймиз. Овқатларимиз бепул. Иш ҳақи вақтида берилади. Яхши ишлаганларга бонуслар бор. Мен бу ерда фаолият юритаётганимдан жуда мамнунман, – дейди у.

"My seven technology" маҳсулотлари бир йилдаёқ халқаро бозордан жой топа олди.

– Москва шаҳрига бордик. У ерда ҳамкорлар топдик, – дейди Жўрабек Ботиров. – Кейинги ойдан Россияга экспортни бошлаймиз. Бундан ташқари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида ташкил этган савдо марказига ўзимизнинг телевизорларни экспорт қиляпмиз.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ.**
**Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.**

# Гофра маҳсулотлари: СИФАТ ВА ИШОНЧ РАМЗИ







**БУГУНГИ КУНДА ҲАР ҚАНДАЙ ТОВАРНИНГ БОЗОРДАГИ ИМИЖИ, АВВАЛО, ҚАДОҒИГА ҚАРАБ БЕЛГИЛАНМОҚДА. ШУ ЖИҲАТДАН ГОФРА ҚУТИЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБ ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРМОҚДА. ЧУНКИ БЕЖИРИМ ВА СИФАТЛИ ҚАДОҚ ХАРИДОРНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТИШ БАРОБАРИДА, УНИНГ СОТИБ ОЛИШ ИСТАГИНИ КУЧАЙТИРИШ ВА ИШОНЧИНИ МУСТАҲКАМЛАШИ ШУБҲАСИЗДИР.**

Тадбиркор Жаҳонгир Саидазизов бозордаги талаб ва истакларни эътиборга олган ҳолда 2018 йилда ўзининг оилавий корхонасига асос солди. Дастлаб кичик ҳажмда ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Қисқа вақт ичида маҳсулотларга бўлган талаб ортиб, корхона фаолиятини кенгайтириш зарурати пайдо бўлди.

Унга Фарғона шаҳридаги "Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси"дан 10 сотих ер ажратилди. Хитой давлатидан замонавий ускуналар олиб келиниб, маҳсулот сифати юқори стандартларга мослаштирилди.

– Фаолиятимизнинг кенгайиши қўшимча иш ўрни яратилиши, шунингдек, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига замин яратди. Икки, уч нафар ходим билан иш бошлаган корхонамиз ҳозирда йигирма беш нафар ёш учун доимий иш жойига айланди, – дейди "Гофра маҳсулотлари" масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Маъсуджон Мадаминов. – Иш жараёнларимиз барқарор, йилнинг тўрт фаслида буюртмаларда узилиш бўлмайди.

Рақобат бозорида мустаҳкам ўринга эга бўлиш учун корхона сифат ва ишончга таянмоқда. Барча турдаги маҳсулотлар учун ишлаб чиқарилаётган гофра қутилар исталган ўлчамда ва миқдорда қисқа муддатларда тайёрлаб берилмоқда. Ҳудуддаги йирик ишлаб чиқарувчилар – "Posco international textile", "Экокерамика", "Ризо ширинликлари", "Zif 555" каби кўплаб масъулияти чекланган жамиятлари мазкур корхонанинг ишончли ҳамкорига айланган.

Маҳсулотларнинг экологик тозалиги корхонанинг яна бир муҳим устунлигидир. Қутилар асосан табиий қоғоздан тайёрланиб, қайта ишлаш учун мос. Бу хусусиятлар хорижий бозорда ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, дилерлар томонидан маҳсулотларни четга чиқаришда қўл келмоқда.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 500 мингта турли ҳажмдаги қутиларни ташкил этади. Гофра қутилар асосан озиқ-овқат ва техника буюмларини сақлаш ҳамда ташишда қўлланилади. Корхона қутиларнинг дизайни ва ўлчамларини бозор талаблари ва харидорлар эҳтиёжларига мос равишда доимий равишда янгилаб бормоқда.

Жаҳонгир Саидазизов келгусида янги маҳсулот турларини жорий этиш, экспорт йўналишларини кенгайтириш ҳамда ички бозорда рақобатбардошликни янада оширишни режалаштирмоқда. Унинг стратегияси корхонанинг барқарор ўсиши ва мижозлар талабларига мувофиқ юқори сифатли маҳсулот етказиб беришни таъминлайди. Шунингдек, ишлаб чиқаришда талабга мослашиш тараққиётни белгилайди, экспорт салоҳиятини ошириб, корхонанинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамланишига замин яратади.

**Муаттар МАҲМУДОВА.**

## Истеъмолчи ҳуқуқи

# ҲАҚИҚАТГА БЎЛГАН ИШОНЧ ОРТМОҚДА

**ЎЗБЕКИСТОН ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАМИЯТЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ВА "ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНЛАРИ ВА ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ИЧКИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИГА АСОСАН АҲОЛИНИНГ ИСТЕЪМОЛЧИЛИК ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШИДАГИ ИШЛАР ТИЗИМЛИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Жорий йилнинг ўтган даврида тизим ташкилотларига истеъмолчилардан жами 738 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шуларнинг 332 таси ёзма ва қолган 406 таси оғзаки ("Ишонч телефони" орқали) шаклларда қайд қилинган. Уларнинг 714 таси ёки 96,7 фоизи мазмунан ўрганиб чиқилди ва ижобий ҳал қилинган бўлса, 24 тасини ўз муддатлари доирасида ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида 1 586 188 470 сўм маблағ истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинишига эришилди.

Мурожаатлар ичида энг кўпини, яъни 245 та ёки 33,2 фоизини савдо соҳаси (озиқ-овқат, дори воситалари, маиший техника ва бошқалар) бўйича турли шикоят ва аризалар ташкил қилса, 94 таси газ, 41 таси электр, 92 таси сув таъминоти, 83 таси коммунал хўжалик, 46 таси хизмат кўрсатиш (сервис), 20 таси алоқа (ва интернет), 12 таси соғлиқни сақлаш, 8 таси транспорт ва 97 таси бошқа соҳалар бўйича истеъмолчилар дуч келган муаммо ва камчиликлар ҳақидадир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, жорий йил 6 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда рақамли ечимларни жорий этишга қаратилган. Қарор билан белгилаб берилган асосий вазифалардан бири – "Истеъмолчи мурожаати" электрон тизимини йўлга қўйиш ва мазкур тизим орқали қабул қилинган мурожаатлар мониторингини йўлга қўйишдан иборат.

Ёзёвон туманида яшовчи Р.И. фуқаро Н.Ж.га қарашли савдо дўконидан 310 000 сўмга ун сотиб олди. У хонадонига келиб, қопни очиб кўрганда, ун сақлаш шартларига амал қилинмагани оқибатида сифатсиз ҳолга келиб қолган экан. Истеъмолчининг ушбу масалада туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига қилган мурожаати ўрганиб чиқилиб, маҳсулот дўконга қайтариб берилди ва истеъмолчи мақбул сифатдаги ун билан таъминланди.

Марғилонлик истеъмолчи В.Н.нинг мурожаатига кўра, у яшаб турган кўп қаватли уй 2023 йилдан буён етарли даражада иситилмайди. Бу бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотга кўп бор эътироз билдирилган, жорий йилда расмий далолатнома ҳам тузилган. Шунга қарамай, иссиқлик таъминоти корхонаси унга 1 236 319 сўм қарз, шу жумладан, 370 497 сўм пеня ҳисоблаган.

Марғилон шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти томонидан мурожаатчининг манфа-атини кўзлаб киритилган даъво аризаси Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судида кўриб чиқилди ва 1 606 816 сўм қарздорликнинг 1 252 409 сўми бекор қилинди. Бу ҳолат истеъмолчиларга муҳим сабоқ бўла олади: агар хизмат сифати талабга жавоб бермаса, ҳар ким ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳақли. Муҳими – муаммони расмий тартибда қайд этиш, далолатнома тузиш ва тегишли идораларга мурожаат қилишдан қўрқмаслик зарур.

Яна бир марғилонлик фуқаро Х.Қ. шаҳар ҳудудидаги "Ипакчи буюм бозори" ҳудудида савдо-сотиқ фаолиятини олиб бораётган хитойлик тадбиркорга қарашли савдо дўконида ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланишлари ва фойдаланишлари учун етарли имкониятлар яратилмаганлиги хусусида Рақобат қўмитасининг "Ишонч телефони" орқали мурожаат қилган.

Ўрганишларда ҳақиқатан ҳам икки қаватли савдо дўконининг юқори қаватига кўтарилиш учун шароит (пандус, эскалатор ёки лифт) йўқлиги маълум бўлди. Юзага келган ҳолат ва уни бартараф қилиш бўйича менежер Чин Е билан тушунтириш ишлари олиб борилди. Хорижлик тадбиркор қисқа муддатда муаммони бартараф этилишини ўз зиммасига олди. Мазкур талаб жамият томонидан назоратга олинган.

Тошлоқ туманида истиқомат қилувчи Ю.Ф. яхши ниятлар билан кўп қаватли уйдан хонадон сотиб олмоқчи бўлди. Шу мақсадда қурувчига бошланғич бадал сифатида 35 миллион сўм, кейинчалик шартнома бўйича 372 миллион 515 минг сўм тўловни амалга оширди. Бироқ уй калитини топшириш қурувчи ташкилот – "Safohouse" МЧЖ томонидан турли важлар билан пайсалга солиб келинди. Бу бўйича фуқаро Тошлоқ туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига оғзаки мурожаат қилди.

Муаммо жамият аралашувидан сўнг ечимини топди. Умумий фойдаланиш майдони 67,73 квадрат метрдан иборат бўлган уч хонали хонадоннинг ички таъмири қурувчи томонидан тўлиқ амалга оширилиб, истеъмолчига топширилди.

Бешариқ туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассислари фуқаро С.У.нинг аризаси бўйича ўрганишлар олиб боришганда маълум бўлдики, хонадондаги сув ҳисоблагич ускунаси пломбаланмаганлигини ҳудуд назоратчиси билса-да, ушбу ҳолатга беэътибор бўлган. Натижада тўловларни мунтазам амалга ошириб келаётган С.У.га 1 миллион 200 минг сўм миқдорида қарздорлик "юкланган".

Ҳолат бўйича туман ичимлик сув таъминоти корхонасига сўров хати киритилиб, ўрганиш ишлари олиб бориш жараёнида истеъмолчида қарздорлик эмас, аксинча 67 минг сўм миқдорида олдиндан тўлов мавжудлиги маълум бўлди. Истеъмолчининг сув ҳисоблагичига эса пломба қўйилди.

Ҳар бир мурожаат, бу – истеъмолчи манфаати, унинг адолатга бўлган ишончи ва ишончли бозор муҳитини шакллантиришдаги муҳим омилдир. Шу боис, ҳар бир мурожаат юзасидан тезкор назорат, холис ўрганиш ва қонуний ечим топиш амалиётининг йўлга қўйилиши жуда муҳим.

**Ғайратжон МАМАТҚУЛОВ, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вилоят ҳудудий бирлашмаси шўъба раҳбари.**

## КОРРУПЦИЯ
### ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КУШАНДАСИДИР

**БУГУН МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР БИЛАН БЕЛГИЛАНМОҚДА. ТИББИЁТ ТИЗИМИДА ШАФФОФЛИК, АДОЛАТ ВА ҲАЛОЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР. ЧУНКИ СОҲАДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН НОҚОНУНИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТ, КОРРУПЦИОН ҲОЛАТ ИНСОН ҲАЁТИГА БЕВОСИТА ХАВФ СОЛАДИ.**



**Бобур ПИРИМҚУЛОВ, Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи**

# ШАФФОФ, АДОЛАТЛИ ТИББИЁТ ТИЗИМИНИ ЯРАТАМИЗ

Коррупциянинг ҳар қандай кўриниши тараққиётга ғов бўлади, жамиятни ортга тортади. Шу боис, бу иллатга қарши соғлиқни сақлаш соҳасида кескин чоралар кўриб келинмоқда. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирининг "Соғлиқни сақлаш соҳасида "сирли мижоз" институтини жорий этиш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Унга кўра, "сирли мижоз" томонидан мониторинг ўтказишнинг аниқ мақсадлари, параметрлари, объектлари ва мезонларини қамраб олган низом тасдиқланди.

Мазкур усулдаги мониторингнинг ўзига хос жиҳати шундаки, керакли маълумотларни йиғиш учун "сирли мижоз"дан фойдаланилади. У соҳада маъмурий тартиб-қоидалар амалга оширилиши, соғлиқни сақлаш тузилмалари ва уларнинг ходимлари томонидан тиббий хизматларни кўрсатишда қонунчилик талабига риоя қилиниши, ходимлар маҳорати ва тезкорлиги ҳамда уларнинг аҳоли билан муомала қилиш этикаси даражасини баҳолаб боради. Унинг ўрганишлари нафақат муассасага борган ҳолда, балки телефон қўнғироғи, электрон почта мурожаати ва бошқа усуллар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўрганиш натижалари тегишлича расмийлаштирилади ва аниқланган қонунбузилишлар бўйича далолатнома у тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни давомида одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Агар ҳуқуқбузарлик ҳолати мавжуд бўлса, айбдор ходимнинг жавобгарлик масаласи кўрилади, борди-ю жиноят аломатлари аниқланса, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Тиббиёт соҳаси рақамлашса, коррупция йўқолади. Бугунги кунга келиб ҳар бир тиббиёт муассасаси беморлар учун шаффоф ва ишончли манзилга айланиб бормоқда. Қабул жараёнлари, диагностик хизматлар, даволаш усуллари, мурожаатлар ва молиявий ҳисоботлар рақамлаштирилиб, очиқ ахборот майдонига кўчирилаётгани, энг аввало, коррупция манбалари йўқолишига хизмат қилмоқда. Хусусан, DMED ягона электрон ахборот тизимида 36 миллиондан зиёд фуқароларнинг тиббий маълумотлари ягона базада жамланди. Яқин келажакда "Online-shifokor" хизмати орқали аҳолига масофадан тиббий маслаҳат бериш имкони яратилади. "Elektron retsept" тизими фаолияти йўлга қўйилиши натижасида ортиқча дори ёзиш ҳолатлари 40 фоизга камайди.

Айтиш жоизки, тиббиётда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг туб моҳияти инсон қадрини юксалтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Шу нуқтаи назардан жорий этилган электрон тизимлар тиббий хизматларни инсон омилидан холи қилмоқда. Беморнинг қабулга ёзилиш, текширувдан ўтиш, анализ натижаларини олиш ёки шифокор хулосасини билиши учун энди ортиқча эшик қоқишига, янги-янги танишлар қидиришига ҳожат қолмаяпти. Ҳар бир жараён электрон тарзда қайд этилиши орқали бемор ва тиббиёт муассасаси ўртасида очиқ муносабат шаклланди. Бу эса тизимдаги қаллобликка йўл қолдирмаяпти.

Ҳар бир шифокорнинг билим ва малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш – мазкур йўналишдаги муҳим қадамлардан бири бўлмоқда. Шифокор ўз меҳнатидан қониққан, моддий ва маънавий жиҳатдан таъминланган бўлса, коррупция хавфи камаяди. Бугунги кунда тиббиёт ходимлари учун яратилаётган шароитлар, янги клиникалар, замонавий лабораториялар, қулай иш муҳити ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Коррупцияга қарши курашиш жазолаш эмас, балки тартиб ва маданиятни шакллантиришдир. Ҳар бир бемор ўзининг ҳуқуқини билиши, қандай хизматни олаётганини тушуниши ноқонуний талабларга йўл қўйилмасликнинг энг самарали воситасидир. Беморнинг ишончи, унинг шифокорга бўлган ҳурмати ва давлат хизматларидан қониқиши соҳа ривожига хизмат қилишини эътиборга олиб, ҳар бир ислоҳотни, аввало, бемор манфаатига қаратмоқдамиз.

Яна бир муҳим жиҳат – раҳбарлик тизимининг очиқлиги. Фуқароларнинг шикоятлари очиқ онлайн платформалар орқали қабул қилиниши, ҳар бир мурожаат бўйича жавобгарлик белгилаб қўйилгани ҳам коррупциянинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Агар фуқаро тиббиёт муассасаларида коррупция билан боғлиқ ҳолатларга дуч келса, вазирликнинг Коррупцияга қарши ички назорат бўлинмасининг республика бўйича ягона бўлган 1203 рақамли "Ишонч телефони" ёки t.me/ssvantikor_bot телеграм боти орқали мурожаат қилиши мумкин. Мурожаатчининг шахси сир сақланиши кафолатланади.

Тиббиёт – инсон ҳаёти ва келажаги билан боғлиқ муҳим соҳа бўлиб, биздан поклик, ҳалоллик ва инсоф талаб қилади. Бугун амалга оширилаётган барча ислоҳотлар айнан мана шундай юксак қадриятларни ҳимоя қилишга қаратилган. Коррупциясиз, шаффоф, адолатли тиббиёт тизими – бу орзу эмас, бугун амалга оширилаётган ишларимиз натижаси бўлиб бормоқда.

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида тайёрланди).**

# ҚИСМАТНИ ТАҚДИР ЭМАС, ҚИЛМИШ БЕЛГИЛАЙДИ (МИ?)

**(Бошланиши 1-бетда).**

– Ҳа, афсуски, Россияда шундай фикрлайдиган журналистлар бор. Мен сафарим чоғи ишонч ҳосил қилдимки, бугун саноат корхоналаридаги маҳаллий ёшлар малакали мутахассисга айланган ва ишлаб чиқаришда кадрлар билан боғлиқ муаммо йўқ. Айтиш мумкинки, масалан, кимё саноатида аввалги кўрсаткичлардан ҳам сифат ва миқдорий ўсишга эришилган. Бу сизнинг россиялик ҳамкасбларингиз ҳақ эмаслигини кўрсатади.

Мен миннатдорчилик билдирдим. Самолёт учиб кетди.

Аслида ўйлаб-ўйлаб тузган саволим қалтис эканини билардим. Чунки ҳали Россия “оғалик”дан воз кечмаган, Ўзбекистон эса нафақат сиёсат ёки иқтисод, балки бошқа кўп соҳаларда ҳам у билан чамбарчас боғлиқ эди. Шундай қудратли давлатнинг ваколатли вакиллари бўлган ҳукумат аъзоларига саволим ёқмаслиги ҳам мумкин эди. Чунки “коса тагида ним коса” бор эди. Буни бошқалар ҳам пайқагани аниқ. Минг шукурки, меҳмон гиналанмади. Очиқ жавоб қилди.

Шу куни мен умуман ўйламаган, кутмаган воқеалар рўй берди. Биргина савол журналист тақдирида муҳим ўзгариш қила олишини кўрдим. Репортаж, интервью “Ахборот”да берилгач, эшитишимча, Президент “Обидов ақлли савол берди, тақдирлаб қўйинглар”, дебди. Аслида Ислом Каримовга саволдан кўра, жавоб ёққан, менимча.

Телевидение раҳбарияти мени ойлик иш ҳақи миқдорида мукофотлади. Кечки пайт эса редакцияга Фарғона вилояти ҳокимининг ёрдамчиси Ўктамжон Мамажонов қўнғироқ қилди.

– Обидов, тез Фарғонага қайтинг, Исломов чақиряпти сизни!

Юрагим орқамга тортиб кетди. Яна нима гап экан, ахир Мухторов...

Туни билан машина ҳайдаб, эрталаб Фарғонага етиб келдим.

– Э-э, бормисиз, Муҳаммаджон, – дея кулиб қарши олди вилоят ҳокими.

Мен бундай “илиқ” муомаладан ҳайратга тушдим. Чунки уч-тўрт кун аввал Мухторов мени вилоятдан ҳайдаганида Исломов олдига адолат излаб кирган эдим. У эса “Авазхон тўғри айтибдилар, сиз Қаҳрамонни атайин ҳимоя қилмоқчи бўлгансиз”, деганди. Бугун эса...

– Гап бундай, Муҳаммаджон. Президентимиз сиздан хурсанд бўлибдилар. Давлат маслаҳатчиси телефон қилди. Сизни қўллаб-қувватлашимизни топширди. Айтинг, нима қилайлик? Балки машина ёки квартира керакдир? (90-йилларнинг бошида квартира ва машина навбатга кўра ҳокимият тақсимоти ва қарори билан берилар эди, гарчи пулга сотиб олсангиз ҳам. Чунки улар танқис бўлиб, сотиб олиш учун узоқ йиллар навбат кутилган. Менга эса навбатсиз беришмоқчи бўлишган).

Менга ҳеч нима керак эмаслигини айтдим ҳокимга. Аммо у “Қайсарлик қилманг, тепага топшириқ бажарилди, дейишим керак, айтинг, сизга нима керак ўзи?”, деб туриб олди. Шунда хаёлимга бир фикр келди.

– Ундай бўлса, ҳамма ўринбосарларингизни чақириб, Президент эътирофи ва маслаҳатчи топшириғи ҳақида эшиттирасиз. Шарт шуки, улар орасида Мухторов ҳам бўлсин, – дедим. – Менга шуниси етарли, юқорига эса нима десангиз ҳам розиман.

Исломов шартимга кўнди. Мени уйга бориб кутиб туришимни тайинлади.

Тушдан кейин ҳоким ёрдамчиси мени яна чақирди.

– Айтдим, аэропортда бўлган гапни, Президент муносабати ва топшириқни ҳам, – деди ҳоким осмондаги юлдузни уриб туширгандек. – Мухторов ҳам эшитди, бу ҳақида.

Мен ҳокимга миннатдорчилик билдириб кетмоқчи бўлгандим, у мени тўхтатди.

– Сиз Авазхондан узр сўранг, кейин Фарғонада қолиб ишлайверинг. Биз келишиб олдик.

– Узр? Нима учун? – Ҳайратдан кўзларим чаноғидан чиқай деди.

– Қайсарлик қилманг, Обидов. Битта кечирим сўрайсиз, вассалом. Уйингиз, бола-чақангизни ҳам ўйлайсизми ўзи? – Бу гал ҳоким овозини кўтариб, дўқ аралаш гапирганди.

Авазхон Мухторов ёрдамчиси огоҳлантирилган шекилли, ичкарига кириб чиқди-ю, мени кутишаётганини айтди. Ичимда қўрқув билан эшикни оҳиста тақиллатгач, бошимни суқдим. Мухторов тўридаги ҳайбатли столида сочилган қоғозларнинг ҳали униси, ҳали бунисини олиб ўқиётгандек тутарди ўзини. Мен эшик олдида тошдек қотганман. Бир сўз демади. Чамаси беш дақиқалар ўтди. Аммо кунлар ўтгандек туюлди.

Ниҳоят бошини кўтарди-ю, ғазаб билан “Бор йўқол, ишлайвер”, деди. Бу мен учун “амнистия” эди.

– Раҳмат, Авазхон ака, – дедиму, хонадан отилиб чиқиб кетдим.

Орадан бир ойга яқин вақт ўтди. Қаҳрамон Сотволдиев Тошлоқ райони ҳокимлигидан озод этилди. Кейин тафсилотлардан хабар топдим. Финландия президентининг Ўзбекистонга ташрифи кунлари Тошлоқда навбатдан ташқари сессия режалаштирилган экан. Аммо Президент интервьюсида “Тошлоқда яхши ишлар қилинибди” дегани учун Давлат маслаҳатчисининг (Оллоҳ умр берсин, улар ҳали барҳаёт, соғ-саломатлар) тавсиясига кўра сессия қолдирилган.






Ўша пайтда Фарғона вилояти ҳокимлигининг кимнидир “майдондан четлатиш” услуби бор эди. Унга кўра, вилоят ҳокими ва ундан юқори турувчи идораларга ўша “кимнингдир” устидан “меҳнаткашлар”нинг жамовий аризаси ташкил этилади. Кейин ариза текширилар, унинг хато ва камчилиги, балки айби аниқланар, муҳокама қилиниб вазифасидан олинган.

Бу гал ҳам шу услубни қўлладилар. Тошлоқ районилик бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийларининг вилоят ҳокими М.Й.Исломовга Мурожаати “Тошлоқликлар шаънига доғ тушмасин” сарлавҳаси билан “Олтин водий” газетасининг 1992 йил 3 ноябрдаги 138-сонида чоп этилди. Мурожаатчилар Тошлоқ райони ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Қаҳрамон Сотволдиевнинг “айблари”ни баён қилиб, унга нисбатан чора кўришни сўрадилар. Уч кун аввал “материал” Ўзбекистон Давлат назорати комитетининг Фарғона вилояти бошқармаси томонидан “ўрганилган” ва унинг натижаси “Олтин водий” газетасининг 1992 йил 31 октябрдаги 137-сонида эълон қилинган. Унга кўра, мурожаатда саналган “айблар” тасдиғини топган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорати қўмитаси Фарғона вилояти бошқармаси ҳайъатининг 1992 йил 30 октябрдаги қарорида Тошлоқ райони ҳокими Қаҳрамон Сотволдиев Ўзбекистон Президентининг 1990 ва 1991 йиллардаги Фармонлари ижроси ҳамда районни кузги-қишки мавсумига тайёргарлаш ишларида хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги айтилади. Жумладан, унда яна шундай сатрлар ҳам бор:

“Район ҳокими Қ.Сотволдиев Финландия президентининг Республикамизга келганлигидан фойдаланиб, кўзбўямачилик учун Республика телевидениесининг мухбири М.Обидов, Акбаробод мебель фабрикаси директори М.Уликов билан 1992 йил 30 сентябрда Республика телевидениеси Тошлоқда Акбаробод мебел фабрикасининг филиали қурилаётганлиги ҳақида сохта кўрсатув тайёрлашган. Шу кўрсатув ҳақиқатдан мутлақо йироқдир, чунки Тошлоқда мебел фабрикасининг филиалини ташкил қилиш борасида ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган. Ҳатто филиалга ўрнатилиши лозим бўлган ускуналар Финландиядан келтирилган ҳам эмас” (ихтибос асл ҳолича келтирилди).

Ҳа, дарҳақиқат, Финландияга юборилган пахта толаси эвазига Тошлоқ районига мебель ишлаб чиқариш технологиялари келтирилмаган эди. Аслида, бунинг сабаби Фарғона вилояти ҳокимлигида бўлган. Ўша вақтда яширилган, лекин кейинчалик маълум бўлишича, Авазхон Мухторовнинг босими билан Қаҳрамон Сотволдиевни “жиноятчи” қилиб исботлаш ва унга нисбатан депутатлик дахлсизлигини қўллаш ҳамда ишдан бўшатиш учун вилоят ҳокимининг яна бир ўринбосари Камолиддин Салоҳитдинов имзоси билан хорижий ҳамкорларга 1992 йил 14 ноябрда ускуналарни Тошлоққа юборишни тақиқловчи хат юборилган. Унга кўра, шартномани энди Фарғона мебель фабрикаси билан қайта тузиш сўралган (Хат нусхаси қўлимизда бор). Шунинг учун ҳам фин технологияси Тошлоққа келтирилмаган. Бунинг учун эса текшириш натижаларига кўра йиғилган материалларни Қаҳрамон Сотволдиевга нисбатан жиноий иш қўзғатиш учун вилоят прокуратурасига юбориш ҳам белгиланган.

Давлат назорат бошқармаси бошлиғи Муқимжон Жўраевнинг бу ишда “жонбозлик” кўрсатиши бежиз эмас эди. У Авазхон Мухторовнинг энг садоқатли шогирди бўлган. Шунинг учун Мухторов уни аввал ўзининг ўрнига, кейин эса Қаҳрамон Сотволдиев “иши”даги хизмати учун Марғилон шаҳрига ҳоким этиб тайинлатади. Шунинг учун Муқимжон Жўраев билан ҳатто вилоят тармоқ раҳбарлари ҳам “ўйлаб” гаплашар эди.

Муқимжон Жўраев аслида ҳуқуқшунос, терговчи, прокурор лавозимларида ишлагани учун барчага кибр билан муносабатда бўларди. Бир гал, Марғилон ҳокими эканида олдига хизмат юзасидан кирдим. Ёз эди. Енги калта оқ қўйлагининг кўкрак чўнтагидан Ўзбекистон герби ёпиштирилган гувоҳномаси чиқиб тургани, ёнига эса тўппонча осиб олганини кўрдим.

– Сиз энди ҳокимсиз, пистолетни ечиб қўйсангиз бўлар эди, – дедим. Лекин менинг бу танбеҳим унга ёқмади.

– Сиз ўз ишингизни билинг, – деди у жаҳл билан.

1993 йилнинг сўнгги кунлари Авазхон Мухторов Ўзбекистондан қочиб кетгач, Муқимжон Жўраевга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Бундан хабар топган Жўраев ҳам устози кетидан қочиб қолди. Орадан салкам йигирма йил ўтгач, Учкўприкка, уйига қайтган эди, “насибаси” бор экан, жиноятини эсига солишди.

Ўшанда, 1992 йил 30 октябрда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорати комитети Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи Муқимжон Жўраев имзолаган қарор муҳокамаси асосида 1992 йил 14 ноябрь куни халқ депутатлари Тошлоқ райони Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси чақирилганди. Ҳамма ваҳимада эди. Чунки битта район ҳокимини ишдан олишга бағишланган сессияда вилоят ҳокими М.Исломов ва унинг ўринбосарлари С.Аҳмадқулов, М.Махмудов, А.Мансуров, К.Салоҳитдинов, барча кучишлатар тизим раҳбарлари қатнашди. Бундан ташқари, Тошлоққа, сессияда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг 1-ўринбосари Исмоил Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умрзақовлар етиб келишди.

Сўзга чиққанлар Қаҳрамон Сотволдиевнинг “айб”ларини бир-бир санадилар ва сессия уни вазифасидан озод қилди.

Кейин Олий Мажлисда депутатлик дахлсизлиги бекор қилинди ва унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов бошланди. Сўнг суд...

Ҳа, Мухторов шу қадар қасоскор эдики, Қаҳрамон Сотволдиевга нисбатан сохта жиноий иш қўзғатиб, уни суд залигача олиб борди. Суд эса...

Аммо Қаҳрамон Сотволдиев суднинг барча инстанцияларига ўзининг айбсизлигини исботловчи далиллар келтириб, мурожаат қилишдан толмади. Ниҳоят, ҳақиқат қарор топди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Убайдулло Мингбоев 1995 йил 27 декабрда имзолаган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг “4-136-93-сонли қарорида шундай дейилади:

“Сотволдиев Қаҳрамон Солиевичга нисбатан чиқарилган... ҳукм бекор қилиниб, Қ.Сотволдиевнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганлиги учун жиноят ишини ҳаракатдан ёткизилсин”.

***

Бу воқеалар тафсилотини сиз билан ўртоқлашганимнинг сабаби бор. Тан олиш керак, Авазхон Мухторов ғоят иқтидорли ташкилотчи бўлган. Масалан, Фарғона шаҳрига кираверишда ҳозир ҳам турган салобатли рамзий дарвоза бир ой ичида ҳашар йўли билан қуриб битирилган. Унда яна бир хислат бор эди. Амалга чиқишига унга зина тутганларни қадрлар, “юқори”га эса ҳақиқатда садоқатли эди. Аммо ...

Мен билан боғлиқ кўнгилсиз воқеалар рўй беришидан аввалроқ тасодифан қариндошимнинг унинг иштирокидаги бир тадбирида қатнашганман. Дастурхон атрофида юбиляр қолиб, унинг шаънига шундай мақтовлар айтилдики, бунақасини биронта китобда ҳам учратмайсиз. “Хўжайин”, сиз ундоқсиз, сиз бундоқсиз... Бу гаплардан Мухторов ҳузурланарди. Шу даврада бир амалдор (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин):

– Келинглар, бу қадаҳни Ўзбекистоннинг бўлғуси президенти учун ичайлик, – деб қолди. Ҳамма қий-чув билан тик турди ва қадаҳни бўшатиб дастурхонга терс қўйди. Мухторов “Э, нима деяпсан ўзи”, демади. Ширакайф ҳоким ўринбосари билдирилган тилакдан талтайиб кетди. Балки, унинг энг катта хатоси ҳам шундан бошлангандир.

***

Мустақилликнинг дастлабки йиллари Ўзбекистон учун Европа мамлакатларига экспорт қилиш катта ютуқ деб баҳоланар эди.

“Фарғонаазот” корхонаси 1993 йилда илк бор ўз маҳсулотини Испанияга экспорт қилди. Бундан ғурурланган Мухторов корхона раҳбариятига испанлар бизни таклиф қилсин, борамиз у ерга, деб топшириқ берди. Хуллас, таклифнома келди. Мухторов ва яна тизим раҳбари Москва орқали Испанияга учадиган бўлишди. Мухторов ўзида йўқ хурсанд (чунки у ҳамиша прокуратура тизимида ишлагани учун чет элга умуман чиқмаган эди-да). Шунда у қувончини яшира олмай, ўша йиллари Фарғонада жойлашган Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳаво-десант дивизияси қўмондони Александр Солуяновни чақирди ва унга хорижий сафари ҳақида айтди.

Бунинг асосли сабаблари бор эди. Советлар даврида Ўзбекистоннинг мудофаа вазирлиги бўлмаган. Марказий Осиёдаги республикалар учун ягона ҳарбий тузилма – Туркистон ҳарбий округи эди. 1991 йилда Ўзбекистон, қўшни республикалар мустақилликка эришди. Шунда ТуркВО ўз-ўзидан ҳуқуқий кучини йўқотди.

1991 йил 8 декабрь куни Белоруссиянинг Вискули ўрмонидаги расмий биноларнинг бирида тарихда “Беловеж келишуви” (Беловежские соглашение) номи билан қолган шартномага асосан СССР расман тугатилгани, мустақил давлатлар ўзаро тан олингани эълон қилинди ҳамда сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий тузилмалар тақдири ҳал этилди. Унга кўра, масалан, мустақилликка эришган давлатлар ўз мудофаа вазирликларини тузиб, амалдаги фаолиятини бошлагунга қадар собиқ СССР таркибидаги ҳарбий тузилмалар Россия мудофаа вазирлиги таркибида вақтинча қолиши белгиланган.

1960 йилдан то 1979 йилнинг декабрига қадар СССР мудофаа вазирлигининг 345-ҳаво-десант полки Фарғона шаҳрида жойлашган. Расмий маълумотларда, масалан, “Википедия”, “Коммерсантъ” газетасида “Павел Грачев 1977-1979 йилларда дастлаб командир ўринбосари, сўнгра 345-парашют-десант полки командири вазифасига тайинланган” дейилади. (“После академии, в 1977-1979 годах назначен заместителем, а потом командиром 345-го парашютно-десантного полка, “Коммерсантъ” газетаси).

Айни шу йилларда Авазхон Мухторов Тошлоқ районида прокурор вазифасида бўлган ва Фарғонадаги полк командири Александр Грачев билан яқиндан танишиб дўстлашган. У ҳатто тўйлардаги эрталабки нонуштага бирга борарди. 1979 йилнинг декабрида Фарғонадаги 345-парашют-десант полки Афғонистонга юборилди. Павел Грачев у ерда полк командирлигидан 103-ҳаво-десант дивизияси қўмондони, 1990 йилдан СССР ҳаво-десант кучлари қўмондони ва ниҳоят 1992 йилда Россия мудофаа вазири этиб тайинланган. У, шунингдек, “Беловеж келишуви”га асосан, 1992 йил январдан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳарбий кучлари қўмондонининг 1-ўринбосари ҳам эди.

Яна баъзи бир далилларга эътиборингизни қаратмоқчиман. “Коммерсантъ” газетасининг ёзишича (1993 йил 3 сентябрь, 168-сон), Павел Грачев дастлаб – 1990 йилда СССР ҳаво-десант кучлари қўмондонлигида, сўнгра 1993 йилда Россия мудофаа вазири эканида Ўзбекистонда бўлган. У биринчи сафари чоғида қўмондонлик таркибидаги Фарғона ўқув парашют-десант полки фаолияти билан танишган.

Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосарларидан бирининг таъкидлашича, Авазхон Мухторов Павел Грачев 1990 йилда Фарғонага келганида у билан учрашгани, ўтган 14 йил давомида эса (1979-1993 йиллар назарда тутилган) телефонлашиб турганини унга гапириб берган.

Энди Александр Солуянов ҳақида. У Павел Грачевнинг яқин шогирдларидан бўлган. Шунинг учун ҳам 1984 йилда ўзи дивизия қўмондонлигига тайинлангач, уни ўз ўрнига, 350-парашют-десант полкига командир этиб тайинлайди. Кейинчалик, 1987-1991 йилларда Фарғонада ташкил этилган 387-алоҳида ўқув парашют-десант полкига командирлик қилади. 1991 йилда эса Фарғонадаги яна бир ҳарбий тузилма – 105-ҳаво-десант дивизияси штаби бошлиғи лавозимини эгаллайди. Бу дивизияга илгари Павел Грачев қўмондон бўлган. Аммо Грачев юқори ҳарбий лавозимга тайинлангач, дивизияни Фарғонага юборади.

Ниҳоят, 1992 йилда мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Мудофаа вазирлиги ташкил этилади ва Рустам Аҳмедов уни бошқаради. Шундан кейингина, 1992 йилнинг иккинчи ярмида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги қуролли кучлари тузилмаси тугатилади. “Беловеж келишуви”га кўра, 105-ҳаво-десант дивизияси Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги таркибига ўтиб, унга Александр Солуянов қўмондон этиб тайинланади. Ўз вақтида у Ўзбекистон Олий Мажлисига депутат бўлиб сайланган ҳам эди.

Солуяновни чақиришдан Авазхон Мухторовнинг мақсади бошқа эди. У узоқ йиллик дўсти, гарчи у ҳозир Россия мудофаа вазири бўлса-да, Павел Грачевга Испания сафари ҳақида билдириш бўлган. Балки, Москвада учрашиш имкони ҳам бўлар, дея умид қилган.

Александр Солуянов Мухторов ва Грачев дўстлигидан яхши хабардор эди. Шунинг учун у масалани дарҳол тушунди.

Эртасигаёқ Москвадан хушхабар келади. Эски дўсти Москва орқали чет элга кетаётганини эшитган Грачев Мухторовга илтифот кўрсатади ва Солуянов тақдим этган Фарғонадаги ҳарбий самолётлардан бири уни Москвага олиб боради. Ҳамсафарлари Грачев Мухторовни Шереметьев аэропортидан учадиган самолёт зиналарида кузатганини кўришган. Бир неча кундан сўнг худди шундай, трапда кутиб олиб, Фарғонага ҳарбий самолётда бир ўзини учириб юборади. (Бу воқеалар тафсилотини менга орадан йиллар ўтгач, ўша пайтда вилоят ҳокимининг ўринбосарларидан бири бўлиб ишлаган амалдор гапириб берганди).

Мухторов Москвада Россия мудофаа вазири билан учрашишини ҳокимиятдаги ҳеч кимдан яширмаган. Ҳатто ўлкашунослик музейидаги қимматбаҳо қадимий қилични унга совға қилиб олиб кетаётгани билан мақтанган.

Мухторовнинг Испания сафари баҳонасида Павел Грачев билан Москвада учрашиши ҳақидаги маълумот “юқори”га етказилади.

“Мухторов мендан яширинча Россия мудофаа вазири билан нега учрашади? Улар нимани муҳокама қилди?” Президентга шу саволлар тинчлик бермасди. Чунки хабар етказганлар Мухторов ва Грачевнинг ўтган аср 70-80-йиллардан буён дўстлигини яширган эдилар-да.

1993 йил кеч кузидаги Мухторовнинг Испания сафари унинг амал поғоналарига якун ясади. У қайтиб келгач, аввалига акаси, тадбиркор Темирхон Мухторовни молиявий жиноятларда айблаб ҳибсга олдилар. Буни кўрган Авазхон билдики, дарҳол Ўзбекистондан қочмаса, у ҳам қамалади. Дастлаб Грачев паноҳи – Москвага, сўнг Америкага кетади.

Америкада яшаш учун пул керак эди. У ўзи билан олиб кетган маблағи узоққа етмаслигини билиб, “Озодлик” радиоси орқали Ўзбекистонга туҳмат, бўҳтонлар ёғдирди. Табиийки, бу чиқишлари учун мўмайгина пул олар эди.

Эшитишимизча, Авазхон Мухторов (унинг олдига бир бор яқинлари бориб келишган) Нью-Жерсидаги мўъжазгина уйда яшаб ўтган (видеотасвири бор). Охирги йилларда ўзини “Фарғонанинг эгаси” деб билган, мамлакат раҳбарининг бир вақтлар ишончли амалдори бўлган Авазхон Мухторов ўзга юртда, муҳтожликда оғир бетоб бўлган, моддий қийинчиликка учраган, юрти, Ватанининг бир сиқим тупроғи, яқинлари дуосига зор бўлиб... қариялар уйида оламдан ўтган.

Бу ҳақида хабар келгач, Марғилондаги яқинларидан бири хонадонида майитсиз, жасадсиз руҳга жаноза ўқилиб, фотиҳа очилди...

Яратганнинг мукофоти ҳам, жазоси ҳам бу дунёдаги амалларимиздан дейишарди...

Оллоҳ раҳматига олсин.

**Uzdiplomat.uzдан олинди.**

# ҲИНДИ ХИТОЙ ДАВЛАТЛАРИ ОША ИЖОДИЙ САФАР







(Бошланиши 1-бетда).

Шэньси провинциясининг маркази Сиань Хитой давлатининг таркиб топиши ва ҳар томонлама тараққий этишида муҳим ўрин тутган. Цинь, Хань, Суй, Тан каби ўн уч сулола ҳукмронлик даврида шаҳар мамлакат пойтахти бўлган.

Манбаларга кўра, Сиань 3100 йилдан буён мавжуд. Тарқоқ ҳолдаги сулолаларни бирлаштирган император Цинь Шихуанд йирик давлатга асос солган ва унинг келажаги учун тамал тошини қўйган. Айнан императорнинг амри билан бирлашган йирик мамлакатдан ташқарига савдо карвонлари йўлга чиққан. Буюк Ипак йўлининг бошланиши шу тариқа Сиандан бошланганига шаҳар тарихий музейидаги манбалар гувоҳлик беради.

Шаҳар қалъаси деворининг эни 10 метрдан ортиқ, узунлиги 14 километрдан иборат бўлиб, атрофи хандақлар билан ўралган. Мазкур хандақ ва осма кўприклар ҳозиргача сақланиб қолган.

Биз фарғоналик журналистлар қалъанинг ғарбий дарвозаси орқали юқорига кўтарилиб, унинг тарихи ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдик. Қайси сианлик билан суҳбатлашмайлик, нафақат бу муҳташам девор, балки шаҳар рамзи ҳисобланган қўнғироқли, барабанли ҳамда катта ва кичик ҳаво минорлари, "Терракот армияси" мажмуаси, импреатор Цинь мавзолейи, тошли музей каби шаҳарнинг тарихий обидалари билан фахрланишларини айтиб ўтишди. Эътиборлиси, улар яхши сақланиб қолган.





– Оддий деҳқон-фермер Ян Жи Ван ва унинг ака-укалари 1974 йилда экин ерларига сув чиқариш учун қудуқ қазишмоқчи бўлишади. Чуқурлик 20 метрга етиб-етмай бронзадан ясалган арава ғилдиракларига дуч келинади. Бу ҳақида маҳаллий ҳукуматга хабар берилганидан сўнг, мутахассис археологлар ишга киришади. Дастлабки топилмалар мазкур ҳудудда Цинь армияси аскарларининг терракотдан ясалган ҳайкаллари мавжудлигидан дарак беради, – дейди йўл бошловчи Ван Су Чжен бизни Сиандан 40 – 45 километр узоқликда Лишань тоғ этагида жойлашган Линтун шаҳри ҳудудидаги мажмуа билан таништириш аввалида.

Мажмуа 4 та павильондан иборат. Унинг учтаси "Терракот армияси" тарихи билан боғлиқ.

Император Цинь Шихуанд 13 ёшида тахтга ўтирган. У художўй бўлганлиги сабабли вафот этганидан сўнг боқий дунёда ўзига ҳамроҳлик қилиш ва қўриқлаш учун қизил тупроқ – "темир лой"дан 8000 дан зиёд аскарлар, саркардалар, от ва аравалар ҳайкалларини ясаттиради. Улар эрамиздан аввалги III аср кулолчилиги усулида тайёрланган. Император 50 ёшида вафот этганидан сўнг ҳайкаллар ҳам кўмиб юборилган.

Цинь армиясининг аскарлари рамзи юз тузилмаси, ҳарбий кийимлари ва рангининг маълум қисмлари билан бир-бирини такрорламайди. Ўзига хос узоқ йиллик қазишмалар ҳайкалларнинг асосий қисми яхши сақланганини кўрсатди. Бош, қўл, оёқ ёки бошқа қисмлари синган ёки парчаланиб кетганлари қайта таъмирланган, қандай ҳолатда топилган бўлса, шу ҳолича қолдирилган ҳарбийлар, от-аравалар, мудофаа қурол-аслаҳаларининг тош тимсоллари ҳам бор. Аскарлар шундай бир текисда саф тортганки, улар ҳар қандай инсонни ҳайратга солади.

Ер ости мажмуаси 1987 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон меъморий обидалари рўйхатига киритилган.

Фарғоналик журналистлар 70 ёшни қоралаб қолган фермер Ян Жи Ван билан учрашдилар. Самимий ва дўстона мулоқот чоғида хитойлик фермер "Терракот армияси"нинг топилиши тарихи ҳақида батафсил гапириб берди. Сиань ўтмиши, бугунги ижтимоий ҳаёти битилган китобларга дастхат битиб, ҳамкасбларимизга совға қилди.

– Цинь армияси аскарларининг тошдан ясалган ҳайкаллари тасодифан топилди. Лекин улар халқ, давлат бойлиги сифатида жуда қадрли, – дейди фермер.

Сиандаги "мусулмонлар кўчаси" бўйлаб сайр ҳамкасбларимизнинг кўз ўнгида миллий ўзлигимизни гавдалантиргани, шубҳасиз. Маҳаллий дўнгон, уйғур миллатига мансуб халқ урф-одати, миллий пазандачилик анъаналари ва турмуш тарзини акс эттирган кўргазма билан танишув мароқли ва мазмунли ўтди, Қуръони Карим оятлари тахта деворларига битилган қадимий масжидда қўллар дуога очилиб, юртимизга тинчлик-омонлик, ўзбек халқига фаровонлик тиланди.

Ҳинди Хитой ярим оролидаги давлат – Камбоджанинг кимсасиз, инсон оёғи етиб бормаган ўрмону чакалакзорлари ҳақида кўп эшитганмиз. Шундай жойларда 240 дан зиёд тарихий обидалар борлиги ҳақида ҳатто маҳаллий халқ тўлиқ маълумотга эга бўлмаган. Балки, Вьетнам, Тайланд, Лаос, Сиам билан узоқ давом этган келишмовчиликлар, фуқаролар уруши, давлат тўнтариши ва тузум ўзгариши бунга имкон бермагандир.

Мазкур давлат ҳудудининг 75 фоизи катта бўлмаган тоғ, текислик ва ўрмонлардан иборат. Шарқий қисмидан Меконг дарёси оқиб ўтади. Урушлар оқибатида иқтисодий ривожланишдан анча орқада қолган Камбоджада маҳаллий халқ – кхамерлар асосан шоличилик ва балиқчилик билан машғул бўлгани боис, ишлаб чиқариш ривожланмай қолган. Ўрмонларга ичкарироқ кириб бориш, ҳозирда бутун дунёга машҳур бўлган ибодатхоналарни "кашф этиш" имкони бўлмагани ҳам шундандир.

Қачонки, француз олими ва сайёҳи Анри Муо 1958 йилда Сиемреап ҳудудининг ўрганилмаган ўрмонлари ичидан тош қасрлар ҳақида маълумот берганидан сўнггина тадқиқот ишлари бошланади.

Бугунги кунда минглаб сайёҳларни ўзига жалб этаётган "Ангкор-ват", "Тапром", "Акор-том", "Баён" каби обидалар мамлакат рамзига айланган, ҳатто давлат байроғида акс эттирилган.

Энг йирик ва муҳташам обида – "Ангкор-ват" ибодатхонаси 200 гектардан зиёд майдонни эгаллайди. У 1100 йилларда император Джаварман II томонидан қурдирилган. Мазкур мажмуа дунё мўъжизаларидан бири сифатида эътироф этилади. Йирик қоя тошлардан қад кўтарган қаср, ҳар бир тошга инсон сиймолари, афсонавий махлуқотлар қиёфалари, ер, осмон, ҳаво, сув тимсоллари ўймакорлик усулида туширилган улкан устунлар ва гумбазларга шунчаки кўз югуртириб бўлмайди, чунки уларнинг ҳар бири одамзот қўли билан шундай мўъжиза яратилганидан ҳайратга солади. Дунёдаги энг катта ибодатхона ҳисобланган "Ангкор-ват" билан танишиш чоғида бизга ҳамроҳлик қилган маҳаллий йўлбошчининг афсоналарга таяниб айтган сўзлари хаёлимизни бўлди:

– Ҳозиргача буюк шаҳар маъносини англатувчи "Ангкор-ват" нафақат комбоджаликлар, балки дунё олимлари-ю археологлари назарида Худо томонидан яратилган. Ҳозиргача қадимий ва сирли обидани Вишну худосининг ердаги тириклик рамзи, деб биладилар. Ўз даврида император Джаварман II ўзини "Худонинг шу заминдаги сояси" деб эълон қилган.

"Ангкор-ват"да ҳозирда ҳам ибодат қилинади, миллий расм-русумлар бажарилади, диний таълим берилади. Бу ердаги баҳайбат ва кўркам палисандр – "қизил дарахт"лар минг йиллар давомида тошга айланиб кетган, бироқ ҳали ҳам ям-яшил, кўкка бўй чўзяпти. "Ангкор" мажмуасидаги қадимий обидаларнинг ўз яратилиш тарихи, тахминий маълумотлари, диний қарашлар ва афсоналари бор. Ҳақиқат шуки, 240 дан ортиқ катта-кичик ибодатхоналарнинг барчаси ҳайрат олами ичидаги инсоният кўз ўнгида бўй чўзиб турибди. Шаҳар ҳудудида ҳали топилмаган 10 мингдан ортиқ шундай обидалар борлиги ҳақида тахминлар мавжуд.

Денгиз суви қирғоқларини ювиб турган ярим орол навбатдаги манзилимиз бўлди. Чамаси 30 дақиқа кемада сузиб борар эканмиз, ҳар тарафга кўз югуртирамиз. Сув устидаги уйлар, сон-саноқсиз қайиқлар, маҳаллий халқнинг оддий турмуш тарзини акс эттириб турган манзараларни кузатиб, олис қишлоқнинг бир парча ерига қадам қўйдик.

Қашшоқ ҳолатда ҳаёт кечирадиган халқлар ҳақида эшитганмиз, аниқ манбалар орқали танишмиз. Мана ўша ўта ночор инсонларнинг айримлари рўпарамизда. Деярли кийимбошсиз болалар ёнимизга югуриб келишди. Юзлари, қўл ҳаракати билан хайр-садақа сўрашяпти. Эркагу аёллар ҳам шу ҳолатда. Димоққа ахлату чиқиндиларнинг ёқимсиз ҳиди урилади.

–Бу ерда яшаш учун шу ерда туғилиш керак, – дейди "Марказий Фарғона" газетаси бош муҳаррири Азимжон Худойқулов. Унинг гапини маъқуллаган "Бешариқ тонги" газетаси бош муҳаррири Собиржон Темиров шукрона келтирди:

– Ўзбекистонда туғилганимизга шукур. Худо ўзбек халқига жаннатмакон ўлкани тортиқ этганига чексиз ҳамду сано.

Асосан, сув ичида яшаб, "ишлаб" – тирикчилик қилаётган халқ вакиллари билан мулоқотимиз қисқа кечди. Кўп саволларимизга жавоб шундоқ ҳам кўз ўнгимизда эди.

Ижодий сафаримиз доирасидаги учинчи давлат – Вьетнамнинг Фукуок оролига ташриф эди.

Узоқ йиллар Камбоджа ва Вьетнам ўртасида талаш бўлган йирик орол тарихи ҳақида кўп манбаларда маълумотлар мавжуд. Шунинг учун ҳам унинг ўзига хос айрим жиҳатлари ҳақида фикр юритсак.

Фукуокда деярли фасллар йўқ. Декабрь ойида энг паст ҳаво ҳарорати кузатилади, яъни 20 даражадан тушмайди. Туризм соҳаси ривожланган. Ҳар қадамда меҳмонхона, хостель, дам олиш масканлари, савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш шохобчалари. Ям-яшил ўрмон манзаралари, денгиз ҳавоси, инсон қалбига ҳузур бағишлайди. Хорижий сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун етарли шароитлар яратилган, катта-кичик ороллар меҳмонларни ўзига чорлайди.

Дунёдаги энг узун осма йўл ҳам шу ерда. Тўртта оролни бирлаштирган "кўприк"нинг узунлиги салкам 8 километр, энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 174 метр баландликда. Йигирма дақиқа чамасида юзлаб сув кемалари, денгиз устида маржон етиштирувчи фермерлар фаолиятини юқоридан кузатиб, эртаклар шаҳри қиёфасидаги оролга қадам қўядик. Бу ерда қуруқлигу сув ости жонзотлари, дов-дарахтлар, анвойи гулларни кўриш мумкин. Турли манзарали дам олиш масканлари, аттракционлар, рангли ҳавзалар, мусиқали фавворалар, Вьетнам халқи миллий анъаналарини акс эттирган кўргазмалар, театр томошалари, кўнгилочар ўйинлар кун бўйи сайёҳларнинг зерикишига изн бермайди.

Фукуокда маржон етиштирувчи ва ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритади. Бизга ахборот беришларича, бу ерда маржонлар сунъий тарзда уруғлантирилади, парваришланади, улардан ноёб қимматбаҳо марварид олиниб, қайта ишланади ва турли безакли тақинчоқлар, декоратив паннолар ишлаб чиқарилади. Денгиз тубидан топилган улкан чиғаноқ ва маржон тошлар ҳам қайта ишланиб, фосфорли маҳсулотлар тайёрланади, дунёнинг ўнлаб мамлакатларига экспорт қилинади. Узунлиги 1-1,2 ва оғирлиги 300 килограмм тош босадиган чиғаноқнинг ёши бир неча асрларга бориб тақалади. Бу каби ноёб топилмалар кўргазмалар залига қўйилган.

Фукуокнинг янги шаҳри, "Венеция шаҳарчаси", маймунлар оролига саёҳат ҳам ўзига хос жозибага эгалиги билан фарғоналик журналистлар эътиборини тортди.

Ижодий сафар Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном районида давом этди.

Тили, урф-одати, миллий анъаналари бир қардош халқ вакиллари бизни илиқ кутиб олишди. Хитойнинг CNS агентлигининг Шинжон-Уйғур автоном райони филиалидаги ижодий мулоқотда икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталари, самимий муносабатлар, ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳақида фикрлар алмашилди, шунингдек, тош қоғоздан қути ишлаб чиқарувчи компания ва зотли отлар парваришланаётган EMA корпорацияси билан танишилди, Урумчи шаҳрининг диққатга сазовор жойларига ташриф буюрилди.

Албатта, янги асарларга мавзу бўлган уч давлат оша ижодий сафар тафсилотларини ҳамкасбларимиз босма нашрлар ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритадилар.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**Рустам ОРИПОВ,**
**Тошкент – Хитой (Сиань) – Камбоджа – Вьетнам – Хитой (Урумчи) – Тошкент.**

---

ҲАР БИР ИНСОН ЁШЛИГИДАН НИМАЛАРНИДИР ОРЗУ ҚИЛАДИ, УНГА ЕТИШИШГА ИНТИЛАДИ. БИРОҚ, БАЪЗИ ОРЗУЛАР ФАҚАТГИНА ТАСАВВУРДА ҚОЛАДИ. БУГУНГИ КУНДА ЭСА, ЁШЛАР ЎЗ ОРЗУЛАРИНИ РЕАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА АЙЛАНТИРИШ ИМКОНИГА ЭГА. АЙНИҚСА, ЭКОЛОГИК СТАРТАПЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЭКОФАБРИКАЛАР ОРҚАЛИ УЛАР НАФАҚАТ ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ, БАЛКИ ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ҲИССА ҚЎШИШЛАРИ МУМКИН.

# "ОРЗУЛАР ФАБРИКАСИ" – ИННОВАЦИОН МАКОН

Мамлакатимизда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ёш тадбиркорлар кўплаб стартап лойиҳаларини амалга оширишмоқда. Улар қаторида иқтидорли, ташаббускор ёшлар атроф-муҳитни ҳимоя қиладиган ва қайта ишланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланаётганлари эътиборга молик. Жумладан, айнан келажак авлодларининг истиқболли ғоялари асосида пластик чиқиндилар қайта ишланиб, кундалик ҳаётда фойдаланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, қайта ишланган материаллардан замонавий кийим ва аксессуарлар тайёрланяпти, экологик тоза қурилиш материаллари яратилмоқда.

Албатта, бундай стартаплар ёшларнинг ижодкорлигини ва технологик билимини уйғунлаштириб, уларни келажак инноваторларига айлантирмоқда. Эътиборлиси, инновацион экофабрикалар нафақат ишлаб чиқариш, балки илмий-технологик ёндашувларни бирлаштирадиган макон сифатида хизмат қилмоқда.

Яқинда бир гуруҳ ёшлар қайта ишланган пластик ва металлардан замонавий мебеллар ишлаб чиқариш стартапини яратдилар. Уларнинг фабрикаси маҳсулот ишлаб чиқарибгина қолмай, атроф-муҳитни тозалашга ҳам муносиб улуш қўшяпти.

Шу ўринда айтиш жоизки, "Орзулар фабрикаси", бу – ёшлар ижодини, илм-фан ва технологияни уйғунлаштирган инновацион макон. Ҳар бир ёш, ўз орзусини ҳақиқий ишлаб чиқаришга айлантириш орқали келажакни шакллантириши мумкин. Орзуларни фабрикага айлантириш учун эса, биринчи навбатда, ёшларимиз яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиши ва ният сари астойдил ҳаракат қилишлари лозим. Муҳим жараёнлар сирасига креатив ғояни аниқлаш, технологик имкониятларни ўрганиш, ишлаб чиқариш прототипини яратиш, маҳсулотни бозорда синаб кўриш ва такомиллаштириш киради. Бундай жараёнлар ҳар бир ёш тадбиркор учун мотивация манбаи ҳисобланади, чунки ёш стартапчилар ўз кучи билан шахсий муваффақиятга эришибгина қолмай, жамиятга ҳам фойда келтиришади.

**Камолиддин ТОШТЕМИРОВ,**
**Фарғона тумани.**

---

Фарғона шаҳар, Шамшод кўчаси, 31-уйда жойлашган "Fergana senabo servis " МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фурқат тумани, Қўқонбой қишлоғида жойлашган "Фурқат машина-трактор парки" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар, "Бешбола" МФЙ, Қува кўчаси, 88-уйда жойлашган ЯТТ "Раҳмоналиев Мўсинжон Машрабжон ўғли" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар, Савдо мажмуаси, "Г" блок, 451-дўконга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИС:
"Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир:
Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.

Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 12393.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14

Саҳифаловчи: Алишер Розиқов.

ISSN: 2010-8370

Газета жума куни чиқади. Адади: 1920 нусха. Баҳоси келишилган нархда. Навбатчи муҳаррир: Абдужалил Бобожонов.

Босишга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 15.30.